



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
12 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 73
(12.501)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



ЧИНОЗ ТУМАНИ

ФАХРИЙЛАР ТЎП СУРИШДИ

Туман марказий ўйингоҳида ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишлаб "Чиноз" ва "Қўқон 1912" футбол жамоалари фахрийлари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Юзлаб футбол ихлосмандлари олқишлари остида кечган қизғин ва мурасиз баҳс 3:3 ҳисобида якунланди. Ҳар иккала жамоага ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.
Ирода НОРБОЕВА.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

"Баркамол авлод" болалар марказида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида давра суҳбати уюштирилди.

"Оила – муқаддас даргоҳ" мавзуида ўтган тadbирда марказ ёшлари, маҳалла фаоллари иштирок этди.
УзХДП туман кенгаши, "Истиқбол" ёшлар ва "Фаол аёллар" қанотлари ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий омиллари, ота-она масъулияти хусусида сўз борди.
Мақсуда ЧЎЛИЕВА.

ОХАНГАРОН ТУМАНИ

ЧИНАКАМ СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Саноат касб-ҳунар коллежида "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи" мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Оилалар спортнинг шашка, баскетбол турига тўп ташлаш, узунликка сакраш, югуриш, арқон тортиш ва волейбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар.
Якуний натижаларга кўра, "Гулистон" маҳалласида истиқомат қилувчи Янорқулловлар оиласи ғолиб бўлди.
Ғолиб ва совриндорларга туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда "Камолот" ЕИХнинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари топширилди.
Ирода МАКСУД қизи.

ПАХТА - 2012



МАСЛАҲАТЛИ ИШ БАРОРИДАН КЕЛАДИ

Пискент тумани Дўнгқўрғон қишлоғи атрофидаги ерларда деҳқончилик қилаётган фермерлар ўртасида яхши бир анъана қарор топган. Қўқамда экин-тикин ишлари бошлангачи билан бир-бирларининг далаларида тез-тез бўлишиб, мас-

лаҳатлашиб, ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб, шу асосда экинларга ишлов бериб боришади. Зеро, бир фермер билганини иккинчиси билмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда маслаҳатлашиб қилинган ишнинг охири хайрли бўлади.
"Уч авлод" фермер хўжалиги раҳбари Неъмат Абдуазимов пахта йиғим-терими бошлангачи арасида "Шукруллаев Козок" фермер хўжалиги далаида бўлди. Мақсад теримни қачон ва қайси майдонлардан бошлаган маъқуллигини бамақсалахат тўғри белгилаб олиш эди. Зеро, теримни шошилиб, эрта бошлаб

кўйиш ҳам, кечиктириш ҳам ҳосилнинг сифатига, яъни навига, қолаверса, умумий чўғига ҳам таъсири бўлади.
Икки фермер пахта майдонларини бирма-бир айлана-бўшаб кўриди.
Қабул пункти билан 83,5 тонна хом ашё юзасидан шартнома тuzганимиз, – деди Қ. Шукруллаев. – Нима дейсиз, шартнома-

таридан 35 центнердан ҳосил кўтарасиз, хирмонингиз 100 тоннадан ҳам ошиб кетади.
Қўшни фермерларнинг яхши ниятлари қай даражада рўёбга чиқиши бугун-эрта маълум бўлади. "Шукруллаев Козок" хўжалиги далаида биринчи терим якунланяпти. Биринчи теримнинг 35 центнердан хирмон кўтарилишига фермернинг ишончи комил.
СУРАТА: фермер Қ. Шукруллаев (ўнгда) ҳамкасб кўшнисни Н. Абдуазимов билан теримчилар тушириладиган навбатдаги карта ҳосилини кўздан кечиршишмоқда.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Ҳисоботлар: ЕНГИЛ, ИХЧАМ, ТЕЗКОР

Ишбилармонлик ва тadbиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, сунъий тўсиқларни бартараф этиш, тadbиркорларнинг ҳуқуқий э-

кинлигини таъминлаш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожлантиришида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Республика Президентининг қатор фармон ва қарорларида бу жараёнларни кенгайтиришга қаратилган чора-тadbирлар белгилаб берилди. Конунчилик асослари ҳам такомиллаштирилди.
– Охириги беш йил давомида солиқ имтиёзларини кенгайтириш туфайли тadbиркорлик субъектлари ихтиёрида қолдирилган маблағлар қарийб 121,1 миллиард сўмга етди, ёки 2,7 баробар кўпайди, – деди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Дилшод Файзуллаев. – Бу – давлатимиз тadbиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қатъий эътибор қаратаётганини кўрсатади.
– Статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларни соддалаштириш ва ислоҳ қилиш жараёни хусусида нима дея оласиз?
– Ҳисоботларни соддалаштириш, енгиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда. Шу йил апрелда Президент фармойиши билан ишчи гуруҳи таш-

кил этилиб, ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турлари ва руҳат бериш тартиб-тамоийларини қисқартириш юзасидан тақлифлар тайёрланди. Шу асосда давлатимиз раҳбари "Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳат бериш тартиб-тамоийларини тубдан қисқартириш чора-тadbирларни тўғрисида" Фармон қабул қилди.
(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида видеоанжуман асосида йиғилиш ўтказилди.

Тadbир умумтаълим мактабларида кўшимча дарслар, синфдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг билимларини янада ошириш, маънавий-маърифий тadbирларни кенгайтириш ва

мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш бўйича бўлиб ўтди. Йиғилишда мактаблардан синфдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш ва мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш юзасидан таълим бошқаруви идоралари ва таълим муассасалари раҳбарлари олдида турган долзарб вазифалар тахлил қилинди.
Видеоселектор якунида билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарор ва тавсиялар ишлаб чиқилди.
"Туркистон-пресс".
– Бой табиий ресурслар-

МАЪНАВИЯТ

ОДАМ САВДОСИ - ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МУАММО

Одам савдоси жинояти, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ-тартибга жиддий таъвозу сифатида намоён бўлиб, инсон шайъи, қадр-қиммати, инсон ҳаёти, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу жиноят XVII-XVIII асрларда Америкада авж олган. Кейинчалик кулликлик бекор қилишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ҳозиргача ноқонуний одам савдоси давом этиб келаётган.

Одам савдоси жинояти, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ-тартибга жиддий таъвозу сифатида намоён бўлиб, инсон шайъи, қадр-қиммати, инсон ҳаёти, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу жиноят XVII-XVIII асрларда Америкада авж олган. Кейинчалик кулликлик бекор қилишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ҳозиргача ноқонуний одам савдоси давом этиб келаётган.

Одам савдоси жинояти, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ-тартибга жиддий таъвозу сифатида намоён бўлиб, инсон шайъи, қадр-қиммати, инсон ҳаёти, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу жиноят XVII-XVIII асрларда Америкада авж олган. Кейинчалик кулликлик бекор қилишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ҳозиргача ноқонуний одам савдоси давом этиб келаётган.

Одам савдоси жинояти, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ-тартибга жиддий таъвозу сифатида намоён бўлиб, инсон шайъи, қадр-қиммати, инсон ҳаёти, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу жиноят XVII-XVIII асрларда Америкада авж олган. Кейинчалик кулликлик бекор қилишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, ҳозиргача ноқонуний одам савдоси давом этиб келаётган.

2013 йил учун ОБУНА бошланди. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.



да жойларда ташкил қилаётган семинар, конференция, давра суҳбатлари янада теранроқ англаб етишлари уқтирилмоқда.
Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида "Ҳақсевар" қарори билан тобора долзарб аҳамият касб этаётган шу муаммога қаратилганлиги фикримизни тасдиқлайди.
(Давоми 2-бетда).

БАХТИМИЗ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Миллий истиқлол юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринлари эгаллаб, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фао-

лият олиб боришлари учун кенг имкониятлар очиб берди. Уларнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида қўшаётган ҳиссалари тобора салмоқли бўлиб бораётти.

Мамлакатимиз қўшилган 60 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича универсал халқаро шартномаларнинг 23 таси бевосита хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилишга қаратилган, – дейди «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбирига Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, ЎзХДП Янгийўл шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Фаридаҳон Жўрабекова. – Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенгма-тенг аъзоси сифатида миллий қонунчиликимизни уйғунлаштиришни изчил амалга оширмоқда. Республика Конституциясининг 16-моддаси, Оила ва Меҳнат кодексларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва мавқелари, меҳнат муносабатларига оид манфаатларини ҳимояланиши, қўшимча имтиёзлари қонунан белгилаб қўйилган. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармонлари уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари ва ислохотларни амалга оширишдаги иштирокини қулайлаштиришни ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга ҳизмат қилмоқда. Шу асосда сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг тақомиллаштирилиши сиёсий партиялардан кўрсатиладиган хотин-қиз номзодлар 30 фоиздан кам бўлмағлини ҳақиқатда ўзгартириш киритилишига олиб келди. Биз бундай меъёр МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда жорий этилгани билан фахрланамиз. – Бу ўзгартиришнинг амалдаги тасдиғини ни-

маларда кўраяписиз? – Аввало, бу янгилик Республика Парламентига аввалги сайловга нисбатан икки ярим барабар кўп хотин-қиз вакиллари сайланишига олиб келди. Эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 17,5, Сенат аъзоларининг 15 фоизи хотин-қизлардан иборат. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида аёлларнинг тўлақонли иштирокини таъминловчи ва уларнинг ҳимоясига қаратилган қонунлар қабул қилинаёпти.

Мамлакатни жадал ривожлантириш стратегиясига кўра, давлат бошқарувида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг иштирокини таъминлашнинг бирламчи вазифаси нимадан иборат деб биласиз? – Бу йўналишдаги бирламчи вазифа хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигига эришишни иборат. Президентимиз таъкидлаганларидек, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида тўлақонли иштирокини, фаолиятини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Бу вазифа муваффақиятли бажарилаётганига бугун ҳар биримиз шохимиз. Аввало, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятлари тобора салмоқли ва самарали бўлиб бораётганини таъкидламоқчиман. Бугун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, хусусий ва яқка ёки оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларнинг ҳар иккинчиси аёллар десам, ҳақ бўлмас. Бу Парламент солиқ ва иқтисодий эркинлаштиришга оид қонунларни изчил тақомиллаштириб бораётгани, солиқ соҳасидаги имтиёз-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида "Тошкент опен – 2012" анъанавий халқаро турнири бошланди. Унда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннисчи қизлар яққилик ва жуфтлик беллашуларида куч синашмоқда. Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори теннис ҳам жадал ривожланмоқда. Спортнинг бу тури, айниқса, қизлар ўртасида кенг оммалашаёттир.



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилда Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Осиё саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи – тўртинчи босқич беллашуларида тайёргарлик кўрмоқда.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДАГИ ЙИРИК ҒАЛАБА

Ушбу тайёргарлик доирасида терма жамоаси "Пахтакор" марказий стадионида Кувейт футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ушбу ўртоқлик учрашувида 1100 нафари хотин-қизлар. Мустақиллик йилларида олий ёки ўрта махсус билимлари эгаллаб, янгилаётган жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаб бораётган ёшлар партиямиз сафларини тўлдиряёпти. Улар орасида депутатлар, турли даражадаги раҳбарлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари кўп. – Бироқ иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда тенг ҳуқуқлиқнинг ўзи кифоя эмас, – деди пировардида сўхбатдошимиз. – Иқтисодий мустақил бўлиш, давлат ва жамият қурилиши, фан ва техника, санаят ва маданият – барча соҳаларда муносиб ўринларни эгаллаш учун, аввало, аёлларимизнинг ўзлари фаол фуқаролик нуктаи назарига эга бўлишлари ва қонунан ҳимоялана олишлари лозим. Айтмоқчиманки, турмуш фаровонлигига эришишимиз, шахсий бахтимиз ўзимизга боғлиқ.

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелда қабул қилинган "Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган моҳир ракетка усталарини тарбиялашга ҳизмат қилмоқда. "Тошкент опен" – Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлиб, истеъдодли теннисчиларни кашф қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Жорий йилги мусобақада руминиялик Моника Никулеску, Александр Кадант, польшалик Урсула Радванска, россиялик Александр Панова, франциялик Ализе Корнет, сербиялик Бояна Йовановска, словакиялик Магдалена Ри-

барикова каби таниқли теннис усталари иштирок этишгани турнирга қизиқишни оширмоқда. "Тошкент опен – 2012" халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган теннисчимиз Оқул Омонмуродовдан муҳлисларнинг умиди катта. 2005 ва 2009 йилларда "Тошкент опен"нинг финалида қатнашган Оқул бу гал дастлабки учрашувини руминиялик Ирина-Камелия Бегуга қарши ўтказди. – Бу йилги мусобақа иштирокчилар таркиби бўйича аввалгиларидан анча кучли, – деди О. Омонмуродов. – Барча теннисчилар ўз олди-га юксак мақсадларни қўйгани боис ҳеч қайси учрашув натижасини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Мен ҳам ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли ўйнаб, муҳлис-

ларимизни хушнуд этишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, мусобақада ёш теннисчиларимиз – Сабина Шарипова, Нигина Абдураимова ҳамда таърибли спортчимиз Влада Екшибарова ҳам қатнашмоқда. Асосий турнир дастлабки беллашувида икки теннисчимиз – Сабина Шарипова ва Влада Екшибарова ўзаро куч сынашди. Унда 6:4, 7:5 ҳисобида Сабина Шарипованинг қўли баланд келди. Голибликка асосий давogarлардан ҳисобланган польшалик Урсула Радванска ҳам иштирокчилик Мариа-Тереза Торро-Флордан 6:4, 7:5 ҳисобида устун келди. Испаниялик Лара Арруабаррена-Весионо эса словакиялик Яна Чепелова устидан 6:1, 6:2 ҳисобида зафар қучди. **Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА муҳбири.**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Мамлакатимизда ижтимоий жаҳада амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофизат қилиш, тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабли "Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлоддан қура олади" деган гоғяга асосланган ҳолда тиббий кўриқдан ўтиш бугунги кун ёшларининг оилага жиддий тайёргарлик билан

Бундан ташқари, соғлом оила қуришга ҳавф солувчи иллатлардан бири яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдор. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандига яхшиликни раво кўради. Шу боис бегона жиддан, синанмаган қизни келин қилгандан кўра, кўз олдида катта бўлган жияларини афзал билишади. Эътироф этиш керакки, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан ҳар доим ҳам майиб-мажруҳ фарзанд туғилавермайди. Аммо кўза кунда-мас, кунда синида, деган мақолни унутмаслик керак. Бундай бефарқлик туғайли айрим фарзандлар руҳий, генетик касалликлар билан туғилаётгани ачинарлидир.

ТИББИЙ КЎРИК – СОҒЛОМ АВЛОД

ги соғлом авлод буюк юрт келажиги ва баркамол миллат истиқболини белгилайди. Айни пайтда оила қуришда ёшларнинг никоҳга тиббий кўриқдан ўтиши бир-бирларининг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлайди. Соғлом авлоднинг дунёга келтириш аж-доқларимиздан бизга ўтиб келаятган энг яхши анъаналардан биридир. Ота-болаларимиз қиз узатиш ва келин танлашда бўлғуси кудаларнинг насл-насабини сўраб-суриштиргани ҳам авлодлар соғлом бўлишига қаратилган эътибор аслида.

қадам қўйиш, келажакда соғлом ва барқарор оилага эришиш имконини беради. Айтиш жоизки, бу тушувча никоҳланувчи ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқотлар орқали шаклланиб бормоқда. Тўри, ҳаётда оила соғломлигига, фарзандлар келажигига бефарқ қарайдиган қисмлар ҳам учрайди. Бундайлар давр талабига, жамият ички тартиб-қоидаларига риоя этмай, катта хатога йўл қўйишади. Хали-ҳануз айрим йигит-қизлар турли юқумли касалликлар билан никоҳдан ўтаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

ФЕРУЗА ҒУЛОМОВА, ОМИНА ОЧИЛОВА, 8-давлат нотариал идораси нотариуслари.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тасдиқланадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 28 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтказилган такриорий очиқ аукцион савдолари қўйилди. Ушбу аукцион савдосига қўйилган объектлар: Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й. й. й. ЖХС-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан – 1) Бошлангич нархи – 379 280 000 сўм, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Марказ-5, 36-уй, бино-ишпоқнинг умумий майдони 155,0 кв.м., асосий хоналар сони 12 та бўлган, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган "Сарпароҳона ва дўкон (оффис) бино-ишпоқлари"; 2) Бошлангич нархи – 604 310 000 сўм, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 637,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги қуриладиган бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, ертўла бинаси, хизматчи бино, қурилиш тўлатилмаган устакхона, 2 та бостирмаси бў-

либ ташланган "Автосарой" бино-ишпоқлари; 3) Бошлангич нархи – 653 690 000 сўм, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурмулло қишлоғи, Д. Тусетов кўчасида жойлашган тураржойнинг умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий биналари сони 2 та, ёрдамчи биналари 7 та бўлган далаҳовли; 4) Бошлангич нархи – 274 680 000 сўм, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яқкачинор кўчаси, 10/2-уйда жойлашган, фойдалани майдони 132,12 кв.м., асосий хоналар сони 4 та, япанг хоналар сони 78,37 кв.м., 17-хонадон; 5) Бошлангич нархи – 1 317 621 690 сўм, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳиясида жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадидати биналар, 8 та паҳобчалан иборат автоустакхона, 4 автомашинага мўъжалланган автоювиш шохобчаси; 6) Бошлангич нархи – 1 192 050 000 сўм, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Йилқева кўчаси, 14-уй манзилда жойлашган, 2 қаватли битта бинадан иборат, бинонинг умумий майдони 748,0 кв.м., "Меҳмонхона" бино-ишпоқлари; 7) Бошлангич нархи – 4 075 600 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-А уй манзилда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4611 кв.м., фойдалани майдони 1782,2 кв.м., "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) бинаси; 8) Бошлангич нархи – 1 506 820 000 сўм, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Амр Темир кўчаси, 62-уй манзилда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, "Маънавий хизмат кўрсатиш" бино-ишпоқлари; 9) Бошлангич нархи – 2 808 670 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уй манзилда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдалани майдони 2898,3 кв.м., 15 та бинали, "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино-ишпоқлари.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мўъж бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖнинг АТИБ "Ипотек банк" МЧЖнинг филиалига ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суғ ижорачилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатларини қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан арза ва бошқа тегишли ҳужжатларини қабул қилиш қимноли савдоси ўтказилишига бир иш кунни қолганда соат 17:00 да ўтказилади. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

КЎРИК-ТАНЛОВ

НАМУНАЛИ ОИЛАЛАРНИНГ ЭНГ САРАСИ

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг "Саънат гулишани" маданият саройида Ўзбекистон Мустақиллигини 21 йиллиги ҳамда Мустаҳкам оила йилга бағишлаб, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шiori остида кўзи оғиз ногиронлар ўртасида "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.



Республика хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, республика кўзи оғизлар жамияти "Камолот" ЁИХ ҳамкорлида уюштирилган танлов уч босқичда ўтказилмоқда. Вилоят босқичида Бекобод, Чиноз ва Зангиота туманларида аввалги босқич голиблари бўлган ёш оилалар иштирок этди. Ҳақамлар ҳайъати қатнашувчиларини тўртта шарт – танিশув, савол-жавоб, уй-рўзгор ишлари ва сахна кўришини бўйича намойиш этган чиқишларини баҳолаб

борди. Ўртадаги мусикали танлафус вақтида иштирокчилар юксак ижодий қобилиятларини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Кўрик-танлов якунида ҳақамлар ҳайъати Зангиота туманидан Ислам ва Хуршида Исмоиловлар оиласини голиб деб топди. Ушбу энг намунали ёш оилага биринчи даражали диплом тақдим этилди. Шунингдек, барча иштирокчилар ҳам тегишли диплом, эсдалик совғалари ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Танлов голиби бўлган Исмоиловлар оиласи тадбирнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. – Ушбу танлов ёш оилаларнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий фаолиятини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳизмат қилади, – деди голиб оила бошлиғи Ислом Исмоилов. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

"Матбуот даврий нашрлари" обуна агентлиги меҳнат жамоаси матбуот тарқатиш соҳасининг фахрийси **Эгамберди ХАМИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдирамиз.

ФЕСТИВАЛЬ

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ МИЛАНДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Тошкентда "Спорт кино ва телевидениеда" VII Халқаро саралаш фестивали якунланди. Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро саралаш фестивалига мамлакатимиздан ташқари АҚШ, Буюк Британия, Россия, Испания, Германия, Франция, Италия, Туркия, Австралия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг йигирмага яқин давлати ижодкорларининг олтидан зиёд ҳужжатли ва телевизион фильмлари, репортаж ва очерклари, ижтимоий роликлари тақдим этилди.



Фестивалда Франция ва Италия ижодкорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатли фильмлар "Энг яхши хорижий фильм" номинациясида ғолиб бўлди. Халқаро саралаш фестивалида ғолиб чиққан ҳужжатли фильмлар жорий йилнинг декабрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган XXX Бутунжаҳон "Sport movies & TV" фестивалида намоиш этилади.

нинг "Матонат" фильми, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Бунёдкор" телеклубининг "Спорт билан бирга" телерахбороти, Тошкент ахборот технологиялари университети телевидение технологиялари факультети ёшларининг "Спорт маликаси" фильми ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Фестивалда Франция ва Италия ижодкорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатли фильмлар "Энг яхши хорижий фильм" номинациясида ғолиб бўлди.

Халқаро саралаш фестивалида ғолиб чиққан ҳужжатли фильмлар жорий йилнинг декабрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган XXX Бутунжаҳон "Sport movies & TV" фестивалида намоиш этилади.

Байрам АЙТМУРОДОВ, Ўза муҳбири.



БЕШТА МАШИННИНГ КУЛИ КЎККА СОВУРИЛДИ

ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЙИШИ МУМКИН



АФР агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Хитойнинг жануби-ғарбидagi олис тоғли туманларда юз берган кетма-кет зилзилалар натижа-сида 80 дан зиёд киши қурбон бўлди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб илгари берилган хабарларда камиди 730 киши жабрлангани айтилган эди. Associated Press агентлигининг таъкидлашича, хавфли туманлардан 100 дан зиёд киши эвакуация қилинган.

Харобалар қутқарувчиларга қидирув ишларини олиб боришга ҳалақит бера-япти. Қурбонлар соғи ўзгариши мумкин, чунки, зилзила юз берган ҳудудлардаги инфратузилмалар зарарлангани боис аниқ маълумотлар олишнинг имконияти йўқ, дейишга маҳаллий ҳукумат вакиллари.

Бағдоднинг шитлар яшайдиган туманларида ўтган яқинба кунли содир этилган портлашлар оқибатида камиди 32 киши ҳалок бўлди. АФР агентлигининг тиббий ҳамда хавфсизлик хизматлари вакиллари сўзларига таяниб тарқатган хабарда айтилишича, 102 киши яраланди. Шаҳарда портлашдан содир бўлган портлашнинг натижасида 32 киши ҳалок бўлди.

Ўтган шанба ва яқинба кунлари бутун Ироқ бўйлаб амалга оширилган террорчилик ақтлари 88 кишининг ҳаётига зомин бўлди. 400 дан зиёд киши жабр кўрди. АФР тарқатган маълумотларга қараганда, сентябрнинг бошидан бун содир этилган терактлар оқибатида 118 ироқлик фуқаро қурбон бўлди.

Reuters маълум қиладики, фақат яқинба-нинг ўзида юздан зиёд киши ўлдирилди. Аввалроқ Ироқ суди мамлакат вице-президенти Тарик ал-Ҳошимийга қарши қаратилган 150 та айбловнинг биринчисини қўриб чиққан эди. Уни иккита қотишда айбдор деб топишди ва ўлим жаосига ҳукм қилишди. Аммо, ал-Ҳошимий Ироқ адлиясидан қочиб кетиб, айна пайтда Туркияда яши-ринган.



БИЛАСИЗМИ?



«OPEL» ЗАВОДЛАРИНИ ЁПАДИ


Германиянинг "Opel" автомобилсозлик компанияси мамлакатдаги икки заводи вақтинча ёпиши ҳақида маълум қилди.

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, бунинг асосий сабаби Европа минтақасида автомобил билга бўлган талаб кескин пасайиб кетгани билан боғ-лиқ.

Маълумотларга қараган-да, бу чора Руссельсхайм ва Кайзерслаутерн шаҳар-ларидаги заводларга тегиш-ли. Дунёда давом этаётган глобал молиявий-иқтисоди-ий инқироз тўғрисида одам-лар янги автомобиль харид қилмай қўйган.

СУНЬИЙ КЎЗ

Австралиялик шифо-корлар мураккаб жар-роҳлик амалиётини амал-га оширди.



Хабарларга қараганда, кўздан айрилган бир аёл-га сунъий кўз ўрнатилган. Бионик деб номланган ушбу сунъий кўз процес-сор ва видеокамерадан иборат.

Маҳаллий оммавий ахбор-от воситалари тарқатган маълумотларга қўра, ҳозир-ча бемор фақат оқ ва қора ранглири ажратиб, тўсиқ-ларни кўра олапти холос. Шифоқорлар беморнинг тиниқ кўриши учун "кўз ускунасини" янада та-комиллаштиришни режалаш-тирмақда.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Қайси она ўз фарзан-дига меҳрибон эмас? Лекин меҳрибонликнинг чегараси, меъёри бўли-ши керакка ўхшайди. Сал ошиб кетса, бола бамисоли пуфакдай ши-ши, оқибат ёрилиб ке-тади. Кам бўлса, фар-занднинг ўзи ҳам меҳр-сиз бўлиб улғаяди. Де-мак, ҳар икки ҳолатда ҳам меъёрни унутмаслик зарур экан.

Бир пайтлар тахри-риятга ҳушбичин, муо-маласи ҳам жойида ўқувчи кўз тез-тез келадиган бўлиб қолди. Синчков ку-затсак, қобилияти ду-руст, шеърлариди ҳам ўзига хос фикр бор.

Авал кичик-кичик ма-қолалар ёзиб келиш ҳақида маслаҳатлар бер-дик. У тошларини иш-тиёқ билан бажарар, ҳар бир сўзимизни жон ҳу-роғи билан тинглашга ҳа-ракат қиларди. Орадан бир йил ўтиб, ўқувчи киз-чазининг шеърлари ҳам газетамиз саҳифалари-дан ўрни ола бошлади. Истеъдоди яхшигина чархланган паллада ку-тилмаганда, тахририят-дан қадами узилиб қол-ди. У ўқиётган мактаб раҳбариятига кўнғироқ қилиб, галати жавоб ол-дик:

— Дилдорани онаси бошқа мактабга олиб ке-тди. Бизнинг мактаб қо-лоқ эмиш, кизи яхшироқ мак-табда ўқиши керакмиш.

Шунақа гаплар, — деди директор руҳсиз оҳангда. Директорнинг сўзидан бизнинг ҳам руҳимиз ту-шиб кетди. "Дилдора қайси мактабга ўтган экан. Танимаган, билма-ган мактабга қачон кўни-

"МЕҲРИБОН" ОҶНА

кади, ижоди нима бўла-ди?" Сўраб-суриштирсак, Дилдорани онаси боғ-ча мударалигидан катта-роқ лавозимга ўтказилган экан. У тўнғич кизи Дил-дорага айрича меҳрибон-лик кўрсатиб, уни кела-жақда тула-тўксин фаро-вон ҳаёт билан тамсин-лаш ҳаракатига тушибди. Бир кун Дилдора тах-ририятга сўлғин ҳолатда кириб келди. Бегона мак-табга кўниқолаётгани, шеърлар машқ қилол-маётганидан қуноиб га-пирди.

— Онажонинг сенга ёмонлик тилармиди, бо-лам пухта или олсин де-ган-да. Сен қўпроқ ўқи-б-ўрган, — деб юпатган

бўлди. Кейин Дилдора-нинг яна бир-икки янги шеърлари газетамизда чоп этилди. Бир кун кўнғироқ бўлиб, бир аёл муҳарри-римизни сўради. Бошиқ идроа иши билан шаҳар-

иши-хизматчиларнинг аҳоли қандай кечмоқда экан? Муҳаррир бу иш тах-ририятнинг вазифасига кирмаслигини тушунтир-ди. Қиз бечоранинг қада-ми тахририятдан узилиб қолди. Кўп вақт ўтмай, Дил-доранинг қайсидир на-шриётда саҳифаси санок-лигина юпка шеърий ки-тобчаси босилиб чиқди.

— Қизим энди сен кат-та шоирсан. Усиб-уни-шинг учун шаҳарда бўли-шинг керак, — дея Дил-доранинг онаси қизини шаҳардаги қариндошлар-иникига элтиб қўйгани-дан хабар топдик. Ижодкорга нима керак? Тоза ҳаво, мусаффо ос-мон ва эркинлик. Дилдо-ра қариндошлариникида қафасдаги қуддеч эркин бўлолмади. Ачинарлиси, онасининг "хизмати" бил-ан унда кибр, ўзига ор-тиқча бино қўйиш каби "касаликлар" пайдо бўл-ди. Булар истеъдоднинг қушандиси экани ҳеч ким-га сир эмас.

Она қизининг яна ижод оламига қайтиши учун ҳамма нарасига тайёр, лекин энди кеч эди. Амал қўланқасидан ортиқча ҳузурланиб ке-тган она қизини бирдан баланд парвозга ўзрлаб, унинг нозик қанотлари-ни синдириб улгурган эди...

Собиржон ИНОМОВ.

БУ ҚИЗИҚ

«ШИРИН ДАРАХТ»

Польша пойтахти Варшавада баландлиги олти метрга тенг шоколад-лий пальма дарaxти яратилди. Маҳал-лий матбуотнинг ёзишича, ушбу ши-рин пальманинг оғирлиги 220 кило-граммга тенг ўттиз бешта барги бор. Дарaxтнинг ўзи эса 500 килограмм тош босади.

Маълумотларга қўра, шаҳардаги майдонлардан бирида "ўстирилган" бу пальмани тайёрлаш учун 300 соат вақт кетган. Ақция ташкилотчиларнинг сўзларига қўра, бундан кўзланган мақсад иш ташвишлари ҳамда уй юмуш-ларидан қарчаган пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари қалбига оз бўлса-да кўтаринкилик улашишдан иборат. Майдонга йиғилганлар ана шу лаззатли ширинликдан татиб қўриш имкониятига эга.



— Телевизорда реклама қили-наётган дорилар камми, сенларга.

ЛУҚМА


Баъзан кўчада, транспортда, ўқишда, ишда, хул-лас, қаерда бўлмайлик, айрим ёшларда катталарга ҳур-мат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат, уят, ор-номус, андиша, ғурур каби тушунчалар анчайин етиш-маслигининг ғувоҳи бўламиз. Сўзларимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол кел-тирсак.

АВТОБУСДАГИ ТОМОША

Транспортда кетаётгани-мизда наватбадга бекатдан ёши улуг отахон билан она-хон чиқишди. Олди қатор-ларда ўтирган ёшлар улар-га жой бериш ўрнига ўзла-рини толиққан кўрсатиб, "уйкуга" кетишди. Бунинг кўрган катта ёшдагилар кексаларга яқинроқ ўтирган йигит ва қизни жойидан кўзга ташлагани эришишди. Аранг ўринларидан турган икки ёшнинг кийимини кўриб, ёнимдаги йўловчи мени туртди:

— Қиз кийим борасида анчайин тадбиркор, тежам-кор эканми? — деди. Орқа ўринида ўтирган бир аёл сўхбатимизга қў-шишди. — Йигит бўёқчи экан. Ишдан қайтаётган бўлса керак. Шўрликнинг алмаш-тиргани бошқа кийими йўқ-қ ўхшайди. Йигит ва қизнинг ўрни-

ЕТТИ МИЛЛИОН ФУНТ ГОНОРАР



Борис Березов-ский билан судла-шган Роман Аб-рамовичнинг адво-кати лорд Жона-тан Сампшн бри-тан юриспруден-цияси тарихида рекорд гонорар олди.

The Sunday Timesнинг ёзишича, суд ҳуж-жатларида Сампшн ҳужжат тайёрлаш ва бевосита суд залидаги хизматлари учун 5,81 миллион фунт ва яна сарф-харажат-лар учун қарий икки миллион фунт ола-ди. Бу Буюк Британияда шу пайтгача юристга тўланган рекорд даражадаги хиз-мат ҳақидан таҳминан икки баравар кўп. The Sunday Times эса бунинг Олий суднинг 45 нафар

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШKЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҶИДОВ c-mail: th.tp@mail.ru

Мавзелимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс), 233-12-83, 233-48-08, 236-55-54, 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ